






МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН- МОХИЯТИ

Режа:

- ◎ Ўзликни англаш, миллатнинг келажакни таъминлашга хизмат қилиши.
- ◎ Аждодларимиз мероси – маънавиятимиз илдизи.
- ◎ Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши кураш омиллари.
- ◎ Маънавият тушунчасининг мазмун-моҳияти.
- ◎ Виждон уйғоқлиги – инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири.
- ◎


- **“Юксак маънавият – енгилмас куч”**
китоби тўрт бобдан иборат бўлиб, унда одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама, кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилган. Асарда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Муаллиф бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.



- Китобнинг **муқаддима** қисмида бу асарни ёзишга сабаб бўлган омиллар, маънавият соҳасидаги долзарб вазифаларга эътибор қаратилган, асосий мақсад-муддаолар баён қилинган. Унда ҳозирги даврга таъриф берилиб, бугун биз тарихий бир замонда яшаётганимиз, халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётгани алоҳида таъкидланган. Бу даврда халқимиз тақдирини ўз қўлига олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда асрлар давомида орзиқиб кутилган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётгани, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани, бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик бергани китобда атрофлича ифодасини ўз аксини топган. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб танланган тараққиёт йўли олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий шarti ва гарови бўлгани асослаб берилган.

- Муаллиф “Маънавий таҳдид” тушунчасига эътибор қаратиб, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион ҳуружлар мажмуини англатадиган атама эканини исботлайди. Турли мафкуравий ҳуружларнинг миллий ва диний томирларимизга болта уриши, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олиши зарурлигини уқтиради. Бунинг учун эса ота-оналар, устоз-мураббийлар ушбу масалада ҳушёрликни йўқотмаслиги, ёшлар тарбиясида асло бепарволикка берилиш мумкин эмаслиги таъкидланади.

- Мазкур китобнинг **“Маънавият - инсонинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”** деб номланган биринчи бобида асосий эътибор маънавият тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг инсон ва жамият фаолиятида намоён бўлиши, ҳар бир халқ, миллат ва шахснинг ҳаёти билан уйғунлиги ҳақида фикр юритилади. Муаллиф маънавиятни шакллантирадиган асосий мезон ҳисобланган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталади.
- Шунингдек, ушбу бобда инсон ва жамият тараққиётининг муҳим омили - маънавий ва моддий ҳаёт муштараклиги, айнан ушбу тамойиллар бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши ҳамда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.




- Бу бобнинг “**Маънавиятни англаш**” деб номланган биринчи фаслида муаллиф “Маънавият” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”. Ушбу таърифда инсоннинг ботиний ва зоҳирий табиати, асл моҳиятини белгиловчи ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларнинг ўзаро муштараклиги асослаб берилган.

- Асар муаллифи барча даврларда, ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳам ота-боболаримиз оғир ва мураккаб шароитларда ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани ва муваффақиятга эришганини алоҳида қайд этади. Бу борада жаҳон халқлари тарихидан, айниқса, Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари ҳаётидан ибратли мисоллар келтиради. Шунингдек, зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уриниши ҳақидаги тарихий ҳақиқатдан хулоса чиқаришга даъват қилади.



- «Миллий маънавият десак, миллий биқикликка йўл қўямиз, умуминсоний маънавият ҳақида фикр юритиш керак», деган гапни на маънавият нималигини, на миллийлик ва умуминсонийлик орасидаги нисбат қандай бўлишини тўғри тасаввур эта олмайдиган, илмий саводи чала одамларгина айтиши мумкин. Бир инсонга ўз миллий маънавиятини тугал англаб етиш учун ҳам, Аллоҳ юз йил умр берса, камлик қилади. Ҳиндистон маданиятидан бир чимдим, Европа илмидан икки жумла, ислом дунёси маънавий меросидан икки чўқим олиб, «жаҳоншумул» маънавият назариясига даъво қилгандан кўра, ўзбек юртида яшаб ўтган буюк алломалар ижодини имкон даражасида изчил ўрганиб, шу билимлар асосида миллий маънавият ҳақида фикр юритган афзал эмасми? Биз «маънавият нима?» деган саволга немис ёхуд инглиз, рус ёки поляк, ҳинд ёки япон қандай жавоб бериши мумкинлигини башорат қила олмаймиз. Умр бўйи миллий маънавиятини, узоқ асрлар давомида ўз миллати мансуб бўлган минтақа маданияти вакиллари ижодини асл манбалардан ўрганиб келган одам ҳам миллий маънавиятимизни мукаммал англаб етдим, деб даъво қилишга хижолат бўлади. Бу иш аслида кўпчиликнинг иши. Миллат маънавияти учун бутун миллат қайғуриши керак.



- Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий ало-қалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқ-ларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирганки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкани, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юборишимиз мутлақо ижобий натижалар бермайди.


- Маънавият доимо миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарсалар ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Маънавиятнинг юқорида эслаб ўтилган таърифини миллат маънавиятига татбиқ этадиган бўлсак, уни бемалол миллат руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уй-ғунлик, деб аташ жоиздир. Шундай экан, айни миллати-мизни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи моҳиятлар эмас, балки бирлаштирувчи омиллар миллий маънавият замирини ташкил этади. Фақат бунини жўн тушуниш ҳам, жўнлаштириб талқин этиш ҳам - хато. Маънавиятимиздаги энг умуминсоний ғоялар ҳам ниҳоятда миллий бир тарзда ўзлигини намоён қилади, улар бошқа миллат маънавияти унсурларидан нусха кўчириш шаклида намоён бўлмайди.

- Мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Қандай миллат, қандай халқ бўлмасин, барибир, уни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонлар-нинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятларига эга. Аммо уларнинг барчаси Аллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси - бани одамга мансуб бўлгани тўғрисида уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян қадриятлар мажмуи ҳам мавжуддир. Бу қадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўр-кўрона инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини жаҳон тарихи тажрибаси кўп марта исботлаган. Албатта, бундай қадриятлар барча инсонлар, барча миллатлар томонидан бирданига, азал-ибтидодан англаб етилган, идрок килинган деб бўлмайди. Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллатнинг маънавий мулкига айланиши учун асрлар, балки минг йиллар керак бўлди. Хатто бугун ҳам барча инсонлар, барча элат ва тоифалар уларни тугал англаб етган, дейиш қийин.



Миллий маънавий мерос,
қадриятлар тушунчаси кенг
қамровли тушунча бўлиб,
унинг таркиби
қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илму-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт асарлари;
- ахлоқий фазилатлар;
- диний қадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.



- Парижда, ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов айтганидек: «Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланган». Аммо юртимизда 70 йил ҳукмронлик қилган собиқтоталитар тузум маккорлик билан ўз асоратига олган халқларнинг буюк ўтмишини авлодлар хотирасидан ўчирмай туриб манфур мақсадларига ета олмаслигини яхши билар эди. Шу сабабли тинимсиз қураш ғоясини ҳаёт маъноси деб эълон қилган «доҳийлар»нинг содиқ шогирд ва издошлари нафақат тирик «душманлар» билан курашдилар, балки миллатларнинг ўтмиш маънавий мероси билан ҳам тинимсиз «жанг» қилдилар. «Дин - афюн», диний илм пешволари, тасаввуф уламолари «ашаддий реакционер», барча ўтмишдаги ҳукмдорлар - қонхўр, босқинчи (фақат айрим рус подшоҳлари бундан истисно этилди), ўтмиш алломалар - дунёқараши чекланган, шоирлар - маддоҳ ва ҳоказо даъволар қилинди. Бундай қора тамғалар қарамлик асоратига тушган барча халқларнинг бой маънавий меросига босиб чиқилди. Ҳатто уйидан эски араб ёзувида китоб топилган одамлар давлатга қарши жиноятда айбланган даврлар бўлди. Большевизм мафкурасининг итоаткор қулларига айлантирилган «совет интеллегенцияси»га тирик ва ўлик «доҳийлар»ни мадҳ этиш, «коммунизмнинг биринчи босқичи» деб эълон қилинган большевистик диктатура тузумининг жаҳон тарихида барча макон ва замонлардаги ижтимоий тизимлардан «афзаллиги»ни ҳар қандай усул билан исботлаб ва далиллаб бериш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Ушбу вазифадан заррача чекиниш халққа ва «нурли келажак»ка хиёнат деб баҳоланарди.

- Миллий маънавий қадриятлар минг йиллар давомида шаклланган, тарих синовларига дош бериб, неча-неча авлодлардан ўтиб келаётган маънавий бойлик эканлиги шубҳасиз. Лекин бу бойликлар ўз-ўзидан ва осонликча қадриятга айланмайди. Улар жамият аъзолари, турли гуруҳ ва жамоалар томонидан ўзлаштирилганда, ҳаётий қўлланма сифатида қабул қилингандагина қадриятга айланади. Том маънодаги қадрият мақомини олиш учун булар шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ички дунёси ва турмуш тарзига сингиши, фаолиятини йўлга солиш ва баҳолаш мезонига айланиши керак.
- Маънавий қадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш авлоднинг «мулки»га айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади. Моддий ва маънавий бойликлар, агар миллий тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, чанг босган китоблар, нураётган осори-атиқалар, мазах қилинадиган удумлар даражасига тушиб қолади.



- Асарни ўрганиш шунинг учун ҳам ҳаётий заруратни, унда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқимизнинг узоқ вақт унутилган ёки атайлаб одамлардан беркитилган миллий маънавиятимизни тиклаш, уни халқимизнинг келажагини ўйлаб, юртимизнинг равнақи йўлида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ўлкан ишлар, шунингде, бу борада олдимизда турган ўлкан вазифалар ҳақида фикр юритилади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиш яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.